

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА  
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04.12.2018.Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА  
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**АЛМУХАМЕДОВА БАРНО ГУЛМУХАМАТОВНА**

**БАЧАДОН БЎЙНИ САРАТОННИНГ ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ ХАВФ ОМИЛИ ЮҚОРИ БЎЛГАН  
ХУДУДЛАРИДАГИ ЭПИДЕМИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА  
ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ КОМПЛЕКС ЧОРА-ТАДБИРЛАРИНИ  
ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**14.00.14 – Онкология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)**

<b>Алмухамедова Барно Гулмухаматовна</b> Бачадон бўйни саратонининг Ўзбекистон Республикаси хавф омили юқори бўлган худудларидаги эпидемиологик хусусиятлари ва олдини олишнинг комплекс чора-тадбирларини ишлаб чиқиш .....	3
<b>Алмухамедова Барно Гулмухаматовна</b> Эпидемиологические особенности рака шейки матки в регионах высокого риска в Республике Узбекистан и разработка комплексных мер профилактики.....	21
<b>Almukhamedova Barno Gulmukhamatovna</b> Epidemiological features of cervical cancer in high-risk regions of the Republic of Uzbekistan and development of comprehensive prevention measures.....	39
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works .....	43

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА  
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04.12.2018.Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА  
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**АЛМУХАМЕДОВА БАРНО ГУЛМУХАМАТОВНА**

**БАЧАДОН БЎЙНИ САРАТОННИНГ ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ ХАВФ ОМИЛИ ЮҚОРИ БЎЛГАН  
ХУДУДЛАРИДАГИ ЭПИДЕМИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА  
ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ КОМПЛЕКС ЧОРА-ТАДБИРЛАРИНИ  
ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**14.00.14 – Онкология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.PhD/Tib351 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.cancercenter.uz](http://www.cancercenter.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Тилляшайхов Мирзагалеб Нигматович,</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Мухаммедаминов Шухрат Каримджанович,</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор <b>Султанов Саидазим Насырович,</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Россия Федерацияси соғлиқни сақлаш вазирлиги</b> <b>“Н.Н. Блохин номидаги миллий онкология тиббий</b> <b>тадқиқот маркази”</b>

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04.12.2018.Tib.77.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 383-уй. Тел.:(+99871) 227-13-27; (+99871) 246-15-96; e-mail: [info@ronc.uz](mailto:info@ronc.uz).)

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил:100110, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 383-уй. Тел.:(+99871) 246-05-13; факс: (+99871) 246-29-78.

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
2019 йил «\_\_\_»даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси

**М.А. Гафур-Ахунов,**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси муовини,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**А.А. Адилходжаев,**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**М.Х. Ходжибеков,**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

## Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Ҳозирги кунда бачадон буйни саратони (ББС) аёллар ўлимига олиб келувчи асосий сабаблардан бири бўлиб ҳисобланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра йилига 14 млн дан ортиқ инсонда саратон билан касалланиш ва касалликдан 8 млн ўлим ҳолатлари қайд этилмоқда<sup>1</sup>. Турли саноат корхоналари чиқиндилари таъсири, аёллар турмуш тарзининг издан чиқиши оқибатида «...хар йили дунё бўйича 555100 ББС касаллиги ҳисобга олинади, булардан 309800 ҳолатларда шу касалликдан вафот этганлар рўйхатга олинган»<sup>2</sup>. Охирги йилларда хавфли ўсма касалликлари билан хасталанган аёллар сони, жумладан, бачадон бўйни, бачадон танаси ва тухумдонлар саратони кўпайишининг кузатилиши нафақат тиббиёт соҳаси ходимлари, балки бошқа кўпгина ташкилотлар ходимларининг ҳал қилиниши зарур муаммоларидан бири ҳисобланади.

Дунё бўйича бачадон бўйни саратони хавф омиллари юқори бўлган ҳудудларнинг эпидемиологик хусусиятлари ва мажмуавий профилактик тадбирлар ишлаб чиқиш самарадорлигига эришиш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борадаги вазифалар ҳудудий хусусиятларни ҳисобга олиб, трендларни баҳолаш ва башоратлаш, аёллар орасида бачадон бўйни саратони билан касалланиш ва ўлим кўрсаткичларининг эпидемиологик таҳлилини асослаш; аёллар орасида касаллик келиб чиқиш хавфи юқори бўлган ҳудудларда бачадон бўйни саратони билан касалланиш ва ўлим ҳолатларининг кўрсаткичларини қиёсий баҳолаш тизимини асослашдан иборат. Онкоэпидемиологик кўрсаткичларни математик моделлаштириш асосида бачадон бўйни саратони билан касалланиш ва ўлим кўрсаткичини башоратлаш дастурлари ва алгоритмларини ишлаб чиқиш, беморлар ҳаёт сифатига таъсир этувчи омилларни башоратлаш, соғломлаштирувчи чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш ва олдини олишга қаратилган даволаш тизимини ташкиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, жумладан, бачадон бўйни саратони касаллигини ташхислаш ва даволашни илғор жаҳон стандартлари даражасида амалга ошириш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини ошириш, тез ва шошилишч тиббий

<sup>1</sup> Ferlay J, Soerjomataram I, Ervik M et al. (2013). GLOBOCAN 2012 v1.0, Cancer Incidence and Mortality Worldwide: IARC Cancer Base No. 11 [Internet]. Lyon: IARC. Available at <http://globocan.iarc.fr>; Jemal A., F Bray, et al. Global cancer statistics // CA. Cancer J.Clin. – 2013 – Vol.61 (2)- P.69-90.

<sup>2</sup> Huang CY, You SL, Chen CJ, Cheng WF, Luo HC, Hsieh CY Incidence of cervical cancer and age-specific survival of small cell cervical carcinoma in Taiwan. // Acta Obstet Gynecol Scand. - 2011. - Sep 1. - doi: 10.1111/j.1600-0412.2011.01261.

ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш, аёллар орасида турли онкологик касалликлар ва ногироликнинг олдини олиш...»<sup>3</sup>га қаратилган муҳим вазифалар қўйилган. Шундан келиб чиққан ҳолда аёллар орасида бачадон бўйни саратони касаллигини эрта ташхислаш беморларда ҳаёт сифатини ҳисобга олган ҳолда касаллик асоратларини камайтириш, профилактик чоратадбирлар механизмини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 4 апрелдаги ПҚ–2866-сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Хорижий адабиётларни таҳлил материаллари шуни кўрсатадики, дунё бўйича хавfli ўсма касалликлари (ХЎК) билан касалланган беморлар орасида эркаклар касалланиш кўрсаткичи аёлларга қараганда кўпчиликини ташкил этади. Европа регистрлари 20 тасида ХЎК асосий касалликларини ҳисоблаб чиққанда, эркаклар 55%, аёллар 45% ни ташкил этиши аниқланган. Россиянинг расмий статистикаси маълумотлари бўйича охириги 20 йилда 100.000 аҳолига эркаклар касалланиш кўрсаткичи 334,5 гача, аёлларда 325,2 гача ошганлиги, ўсиш темпи 1,5–1,8% ни кўрсатаётганлиги маълум бўлди (E. M. Aksel, E. A. Mikhailov, 2005; A. Anttila, G. Ronco, 2009; M. Arbyn, C. Simoens, P. Van Damme, A. Scharpantgen, C. J. Meijer, P. Beutels, 2010; G. Aimagambetova, A. Azizan, 2018).

Фойдаланилган илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, ББС касаллиги билан касалланиш ва ўлим кўрсаткичлари дунё бўйича ўсяпти, бу эса эрта ташхислаш, даволаш, хавф омиллари, башоратлаш мезонлари, самарадор профилактик усулларини ишлаб чиқиш ва бу борада илмий тадқиқотлар олиб бориш заруриятини таъкидлайди. Охириги йигирма йилда скрининг дастурлари ва даволашнинг ўз вақтида олиб борилиши натижасида дунёнинг ривожланган мамлакатларида ушбу касаллик билан касалланиш ва ўлим кўрсаткичлари пасайганлиги кузатилмоқда. Касалланиш ва ўлим кўрсаткичлари орасидаги тафовут ривожланган давлатларда ҳам бор бўлиб,

---

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

қишлоқ аҳолиси ва ночор инсонлар орасида ББС ривожланиши омили баланддир. Ўз вақтида даволанмаслик бемор аёлнинг қийналиши ва ўлимига сабаб бўлиб, оиласи ва давлат учун ўз салбий таъсирини кўрсатади.

Ўзбекистонда этник ва экологик омилларнинг аёллар гениталия аъзоларида саратон касаллиги шаклланишидаги ўрни (Н.Э.Атаханова, 1998) ўрганилган, эндометрида гиперпластик жараёнлар мавжуд аёлларда бачадон бўйни патологиясини эрта ташхислаш ва олдини олиш чора-тадбирлари (Д.Ю.Юлдашева, 2018) ҳамда репродуктив ёшдаги аёлларда ҳомиладорлик ва ҳомиласи бўлмаган даврларда бачадон миомаси давосининг жарроҳлик тамойиллари ишлаб чиқилган (М.Хусанходжаева, 2018). Бироқ ББС онкоэпидемиологияси хусусиятлари, касалланиш ва ўлим кўрсаткичларини стандартлаштириш динамикаси, кутилаётган башоратларни ҳисоблашни ўз ичига олган илмий изланишлар илгари олиб борилмаган.

Мавжуд адабиётларни таҳлил қилиш республика бўйича ББСнинг онкоэпидемиологик таҳлилининг йўқлиги ва келиб чиқишининг ҳудудий хусусиятларини аниқлаш ҳамда касалланиш ва ўлим кўрсаткичларининг ўзгариш башоратини ҳисоблаш, стандартлаш замонавий онкоэпидемиологиядаги актуал ва охиригича ҳал қилинмаган муаммолар эканлигини кўрсатади, хусусан, Ўзбекистонда ҳам бу ҳолат шу соҳани мукамал ўрганиш ва тадқиқотлар олиб бориш кераклигини тақозо қилади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий онкология ва радиология илмий марказининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ҳамда АДСС 24.6 «Ёш аёлларда бачадон бўйни саратонини молекуляр-генетик ва патоморфологик текширув асосида прогнозлаш усулларини ишлаб чиқиш» (2012–2016) илмий лойиҳаси асосида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистон Республикасида келиб чиқиш хавфи юқори бўлган ҳудудларда бачадон бўйни саратони билан касалланиш ва ўлим ҳолатларининг онкоэпидемиологик хусусиятларини очиқ бериш ва профилактик чора-тадбирлар мажмуасини такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

ҳудудий хусусиятларни ҳисобга олиб, трендларни аниқлаб ва башоратни ҳисоблаб, аёллар орасида ББС билан касалланиш ва ўлим кўрсаткичларини эпидемиологик баҳолаш;

аёллар орасида касаллик келиб чиқиш хавфи юқори бўлган ҳудудларда ББС билан касалланиш ва ўлим ҳолатлари кўрсаткичлари динамикасини урганиб чиқиш;

ўрганиб чиқилган онкоэпидемиологик кўрсаткичларни қўллаб, математик моделлаштириш асосида 2020 йилга ББС билан касалланиш ва ўлим кўрсаткичларини башоратлаш;

касалланиш ва ўлим кўрсаткичларини динамикадаги ўзгаришларига

кўра, онкоэпидемиологик маълумотларга асосланиб компьютер дастурлари, чора-тадбирлар мажмуаси ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** вилоят онкология диспансерларидан олинган расмий ҳисоботлар 2009-2016йй., Ўзбекистон Республикаси “Хавфли ўсмалар билан касалланиш ҳисоботи” (№7-SSV ҳисобот формаси) ва Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитасидан олинган аҳолининг вилоятлар бўйича сони ва жинс-ёшига тегишлилиги, 2009-2016 йй. оралиғида ББС дан ўлим ҳолатлари ҳақидаги маълумотлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида беморларнинг ўртача ёши, касалланиш ва ўлим трендлари, корреляция коэффиенти, кумулятив кўрсаткичлари, ишонч интервали (ИИ), хавф омиллари ҳамда ББСдан касалланиш ва ўлимни башоратлаш, дағал ва стандарт кўрсаткичларни, ўсиш ва пасайиш суръатларини ташкил этадиган материаллар олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда замонавий онкоэпидемиология дескриптив ва аналитик, ретроспектив текширувлар ҳамда статистик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

бачадон бўйни саратони ривожланиши минтақавий экзоген хавф омиллари – металл оксиди сақловчи кимёвий моддалар ва тупроқнинг тузланиши даражасига боғлиқлиги аниқланган;

бачадон бўйни саратони мавжуд аёллар скринингидаги цитологик ва гистологик баҳолаш асосида касаллик ривожланиши ва ўлим даражасини бирламчи ташхислашнинг ёшга боғлиқ уч босқичли тактикаси ишлаб чиқилган;

худудий хавф зоналарига боғлиқ равишда турли ёш гуруҳларида бачадон бўйни саратони ривожланиши аёлларда вирусли касалликлар, зарарли одатлар ҳамда овқатланиш таркибига боғлиқлиги аниқланган;

бачадон бўйни саратони ривожланиш тенденцияси ҳамда эпидемиологиясини инобатга олган ҳолда касалланиш истиқболининг қисқа муддатли башоратлаш кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

динамикада (2009–2016) Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида бачадон бўйни саратони билан касалланиш ва ўлим даражасининг онкоэпидемиологик вазияти баҳоланган;

динамикада онкоэпидемиологик мониторинг ўтказиш саратонга қарши курашиш масалаларини ҳал этишда, шу жумладан, бачадон бўйни саратони профилактикаси бўйича ишларни ташкил қилишда, онкологик хизматни режалаштириш ва фаолият кўрсатишда зарур эканлиги аниқланган;

бачадон бўйни саратони билан касалланиш ва ўлим ҳолатларининг кўрсаткичларидаги ҳудудлар орасидаги мавжуд фарқларни аниқлашда динамикада онкоэпидемиологик таҳлил ўтказиш кераклиги исботланган;

онкоэпидемиологик мониторингнинг компьютер дастури ишлаб чиқилган;



**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган клиник тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, объектив клиник, эпидемиологик, дескриптив ва аналитик, ретроспектив текширувлар ҳамда статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, бачадон бўйни саратони хавф омиллари юқори бўлган ҳудудларнинг эпидемиологик хусусиятлари ва мажмуавий профилактик тадбирларни ишлаб чиқиш тартиби халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, бачадон бўйни саратони билан касалланиш ва ўлим кўп учрайдиган ҳудудларни аниқлаш мониторингини ишлаб чиқиш, биринчи навбатда, скрининг тадбирлар ўтказиш имконини берган. Бу эса, ўз навбатида, ББС профилактикаси бўйича мақсадли дастурлар ишлаб чиқиш, ташхислаш ва даволаш бўйича мавжуд замонавий ёндашув ва усулларни такомиллаштириш, мавжуд илмий аппаратларни бойитиш, ресурсларни самарали ишлатиш режасини тузиш ҳамда таъминлашнинг босқичма-босқич алгоритмларини ишлаб чиқиш ва касалликни эрта аниқлаш имконини яратган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ишлаб чиқилган методология фақатгина бачадон бўйни саратонида эмас, балки бошқа ХЎК-ларда касалланиш ва ўлим ҳолатлари мониторингини ўтказиш имконини берган. ХЎК билан касалланиш ва ўлим кўрсаткичларини камайтириш бўйича дастурлар ишлаб чиқиш зарур. Ишлаб чиқилган алгоритм, ўз навбатида, ББС билан касалланиш ва ўлим юқори бўлган ҳудудларни ажратиш, олинган натижаларга математик ишлов берган ҳолда график кўриниш, касалликни башоратлаш ва маъмурий-худудий бирликлар бўйича хариталашга имкон берган. Шунингдек, ББСни эрта ташхислаш бўйича ташкилий тадбирлар, методологик асосланган миллий скрининг дастурини ишлаб чиқишга имкон яратади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Бачадон бўйни саратони хавф омиллари юқори бўлган ҳудудларнинг эпидемиологик хусусиятлари ва мажмуавий профилактик тадбирлар ишлаб чиқишни такомиллаштириш бўйича олинган натижалари асосида:

«Бачадон бўйни саратони онкоэпидемиологик мониторинг методологияси (касалланиш ва ўлим)» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 21 сентябрдаги 8н-д/235-сонли маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма аёллар орасида учрайдиган бачадон бўйни саратони онкоэпидемиологик мониторингини олиб бориш асосида касалликни эрта ташхислаш ва даволаш тизимини ташкиллаштириш имконини берган;

бачадон бўйни саратони хавф омиллари юқори бўлган ҳудудларнинг эпидемиологик хусусиятлари ва мажмуавий профилактик тадбирлар ишлаб

чиқиш усуллари тақомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази, Наманган ва Тошкент шаҳар онкологик диспансери клиник амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 17 декабрдаги 8н-д/235-сонли маълумотномаси). Олинган тадқиқот натижаларининг клиник амалиётга жорий қилиниши бачадон бўйни саратони касалланиш ва ўлим кўрсаткичи трендлари, касалликни ўсиш ёки камайиш темплари, куммулятив таҳлили, башоратини ўз ичига олган мониторинг олиб бориш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 119 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Бачадон бўйни саратони касаллиги тарқалганлигини эпидемиологик баҳолаш»** деб номланган биринчи бобида турли манбалардаги маълумотларнинг қисқача таҳлили асосида дунё бўйлаб ББС билан касалланиш ва ўлим кўрсаткичларининг ўсиш тенденциялари аниқланган ва ишларнинг мазмун, моҳияти келтириб ўтилган. ББС ҳосил бўлиши, профилактикасига оид клиник-амалий маълумотлар баён этилган.

Диссертациянинг **«Бачадон бўйни саратони касаллиги тарқалганлигини эпидемиологик баҳолаш материали ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида онкоэпидемиология ва биостатистика усуллари батафсил кўрсатилган, шулар бўйича касалланиш ва ўлим кўрсаткичлари, трендларни аниқлаб, ўсиш ва пасайиш темпларини ҳисобга олиб, ҳам «дағал» ва «стандартлаштирилган» кўрсаткичлар ҳисобланди. Юқоридаги ҳисоблаб чиқарилган кўрсаткичлар асосида ББС билан касалланиш ва ўлим

кўрсаткичларини 2020 йилга башоратлаб, математик моделлаштириш ўтказилди.

Диссертациянинг «Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг бачадон бўйни саратони билан касалланиши» деб номланган учинчи бобида республика бўйлаб ва алоҳида олинган ҳудуд бўйича касалланиш кўрсаткичлари ўрганиб чиқилди. Республикада ББС ўрганилган (2009–2016 йй.) давр ичида 10713 бемор сони қайд этилди, беморларнинг ўртача ёши – 65,5 ёш, динамикада озгина «ёшариш» тенденцияси таъкидланди;

Ҳисоблаб топилган «дағал» касалланиш кўрсаткичи Ўзбекистон бўйича ўртача йиллик кўрсаткичдан баланд бўлмади ва 100000 аёл аҳоли сонига  $9,0+0,1^{0/0000}$  ни ташкил қилди, у тенглаштирилганда пасайиш тенденцияси аниқланди  $T_{пас}=-0,13\%$ , яъни республика бўйича касалланишнинг умумий кўрсаткичи кўпаймаганлиги ҳақида гапириш мумкин.




**1-расм. ББС билан касалланишнинг «стандартлаштирилган» кўрсаткич даражасига қараб ЎЗРни зоналарга ажратиш.**

Касалланиш кўрсаткичларини Жаҳон стандартларига (ЖС) «стандартлаштириш» ўтказилди, бу  $10,5+0,12^{0/0000}$  ни ташкил этди. Касаллик кўрсаткичларини ҳудудлар бўйича «стандартлаштириш», ўрганилган давр ичида ББС билан касалланиш кўрсаткичи юқори бўлган ҳудудлар аниқланди, бунда: Қорақалпоғистон Республикасида ( $16,2+0,83^{0/0000}$ , 95%ИИ  $14,6-17,8^{0/0000}$ ,  $T_{пас}=-4,7\%$ ), Хоразм вилоятида ( $15,9+0,30^{0/0000}$ , 95%ИИ  $15,3-16,5^{0/0000}$ ,  $T_{ўс}=+0,9\%$ ), Наманган вилоятида ( $14,5+0,35^{0/0000}$ , 95%ИИ  $13,8-15,2^{0/0000}$ ,  $T_{пас}=-1,2\%$ ), Андижон вилоятида ( $12,5+0,35^{0/0000}$ , 95%ИИ  $11,8-13,2^{0/0000}$ ,  $T_{пас}=-3,7\%$ ) ва Тошкент шаҳрида ( $11,4+0,30^{0/0000}$ , 95%ИИ  $10,8-12,0^{0/0000}$ ,  $T_{пас}=-1,3\%$ ). Касалланишнинг энг паст кўрсаткичлари Сурхондарё ( $6,9+0,18^{0/0000}$ , 95%ИИ  $6,6-7,3^{0/0000}$ ,  $T_{ўс}=+2,8\%$ ), Самарқанд ( $7,5+0,52^{0/0000}$ , 95%ИИ  $6,5-8,5^{0/0000}$ ,  $T_{пас}=-1,2\%$ ), Бухоро ( $8,1+0,25^{0/0000}$ , 95%ИИ  $7,6-8,6^{0/0000}$ ,  $T_{пас}=-0,6\%$ ), Қашқадарё ( $8,6+1,4^{0/0000}$ ,

95%ИИ 6,6-10,7<sup>0</sup>/<sub>0000</sub>,  $T_{\dot{y}c}=+0,8\%$ ), Навоий вилоятларида (8,7+0,53<sup>0</sup>/<sub>0000</sub>, 95%ИИ 7,6-9,7<sup>0</sup>/<sub>0000</sub>,  $T_{\text{пас}}=-1,2\%$ ) белгиланди.

ББС билан касалланиш трендларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, «стандартлаштирилган» касалланиш кўрсаткичлари юқори бўлган Қорақалпоғистон республикасида пасайиш тренди  $T_{\text{пас}}=-4,7\%$ , яъни касалланиш камаяётганлиги қайд этилди, 2012 йилдан бошлаб ББСни эрта ташхислаш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар ва аҳоли орасида тиббий соводхонликни ошириш бўйича санитар-оқартув ишларининг жадал олиб борилаётганлиги, туман онкологлари, ҚВП, ШВП врачлари малакасини ошириш билан боғлиқ бўлса керак. Бундай тренд пасайиш тенденцияси Сурхондарё, Хоразм, Қашқадарё ва Жиззах вилоятларидан ташқари, бошқа вилоятларга ҳам тегишли, у ерда касалланишнинг ўсиши аниқланган, шунга мос равишда  $T_{\dot{y}c}=+2,8\%$ ,  $+0,9\%$ ,  $+0,8\%$ . Маълумотларни таҳлил қилиш касалланишнинг кўпайиш темпи, касалланиш кўрсаткичи энг паст бўлишига қарамасдан, Сурхондарё вилоятида  $T_{\text{кўп}}=+2,8\%$  ҳамда Жиззах вилоятида  $T_{\text{кўп}}=+0,8\%$  эканлигини кўрсатди.



**2-расм. Ўзбекистонда ҳудудлар бўйича ББС билан касалланишнинг «дағал» ва «стандартлаштирилган» кўрсаткичлари.**

Бу онкологик касалликларни, ўлим ҳолларини рўйхатга олиш қониқарсиз эканлигини кўрсатади. Бу ҳудудий ва популяцион Канцеррегистрни кенг қўллаш учун шошилиш ташкилий чоралар кўриш кераклигини тақозо қилади. Бу касалланиш ва ўлим бўйича ишончли маълумот олиш ҳамда республика ҳудудлар кесмасида онкоэпидемиологик тадқиқотлар ўтказиш имконини беради.

Диссертациянинг «Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг бачадон бўйни саратонидан улим курсаткичлари» деб номланган туртинчи бобида Республика ва унинг ҳудудлари бўйича ўлим кўрсаткичлари ҳисоблаб

чиқилган. Ўрганилган давр (2009–2016 йй.) ичида ББСда ўлим ҳолати 5795 ни ташкил қилди, беморларнинг ўртача ёши –  $55,5 \pm 0,2$  ёш, баъзи ҳудудларда озгина «ёшариш» тенденцияси таъкидланди. Республика бўйича ўлимнинг «дағал» кўрсаткичи 100000 аёл аҳолига  $4,9 \pm 0,1 / 0000$  ни ташкил қилди, 2012 йилга нисбатан 5,3% кўпайган, ўсиш темпи  $T_{\dot{y}c} = +3,0\%$ .

Ўлимнинг ўртача йиллик кўрсаткичи 65 ва ундан катта ёшлиларда энг катта бўлди,  $22,2 \pm 0,61 / 0000$  ни ташкил қилди, бунда ўсиш темпи  $T_{\dot{y}c} = +2,4\%$ , бу шу ёш оралиғида ўлим кўпайганлигини кўрсатади, буни касаллик оғирлиги ҳисобига эмас, балки аҳоли «кексайганлиги» билан тушунтириш мумкин.

Ўлим кўрсаткичларини «стандартлаштириш»ни ўтказиш шунини кўрсатадики, у  $6,1 \pm 0,11 / 0000$  ни ташкил қилди, ўсиш темпи  $T_{\dot{y}c} = \pm 1,6\%$ , яъни республика бўйича бу кўрсаткичнинг кўпайиш тенденцияси кузатилди.


Ўлим кўрсаткичларини «стандартлаштириш»да қуйидаги хусусиятлар аниқланди: энг паст кўрсаткич Самарқанд ( $3,7 \pm 0,22 / 0000$ , 95%ИИ  $3,3-4,1 / 0000$ ,  $T_{\dot{y}c} = +2,2\%$ ) Навоий вилоятларида ( $3,1 \pm 0,19 / 0000$ , 95%ИИ  $2,7-3,4 / 0000$ ,  $T_{\text{пас}} = -4,5\%$ ). ББСда республика «стандартлаштириш» ўлим кўрсаткичи –  $6,1 \pm 0,11 / 0000$ , 95% ИИ  $5,8-6,3 / 0000$ ,  $T_{\dot{y}c} = +1,6\%$ . Қуйидаги вилоятлар кўрсаткичлари бу кўрсаткичга тенг бўлди: Сурхондарё ( $4,0 \pm 0,24 / 0000$ , 95%ИИ  $3,5-4,4 / 0000$ ,  $T_{\dot{y}c} = +9,2\%$ ), Фарғона ( $4,7 \pm 0,28 / 0000$ , 95%ИИ  $4,2-5,3 / 0000$ ,  $T_{\dot{y}c} = +0,7\%$ ), Қашқадарё ( $4,8 \pm 0,63 / 0000$ , 95%ИИ  $3,6-6,1 / 0000$ ,  $T_{\text{пас}} = -0,4\%$ ), Бухоро ( $4,8 \pm 0,30 / 0000$ , 95%ИИ  $4,3-5,4 / 0000$ ,  $T_{\dot{y}c} = +1,4\%$ ), Наманган ( $5,2 \pm 0,51 / 0000$ , 95%ИИ  $4,2-6,2 / 0000$ ,  $T_{\dot{y}c} = +0,1\%$ ) ва Андижон вилоятлари ( $5,8 \pm 0,28 / 0000$ , 95%ИИ  $5,3-6,4 / 0000$ ,  $T_{\dot{y}c} = +0,3\%$ ).



**3-расм. Бачадон бўйни саратонида ўлимнинг «стандартлаштирилган» кўрсаткич даражасига қараб, мамлакатимизни зоналарга ажратиш.**

ББСда ўлимнинг «стандартлаштирилган» энг катта кўрсаткичи қуйидаги ҳудудларда аниқланди: Қорақалпоғистон республикаси (11,8+0,54<sup>0</sup>/<sub>0000</sub>, 95%ИИ 10,7-12,8<sup>0</sup>/<sub>0000</sub>, Т<sub>ўс</sub>=+6,4%), Хоразм (9,0+0,33<sup>0</sup>/<sub>0000</sub>, 95%ИИ 8,3-9,6<sup>0</sup>/<sub>0000</sub>, Т<sub>пас</sub>=-0,1%), Тошкент вилоятлари (7,1+0,17<sup>0</sup>/<sub>0000</sub>, 95%ИИ 6,8-7,5<sup>0</sup>/<sub>0000</sub>, Т<sub>ўс</sub>=+1,0%), Тошкент шаҳри (6,9+0,19<sup>0</sup>/<sub>0000</sub>, 95%ИИ 6,6-7,3<sup>0</sup>/<sub>0000</sub>, Т<sub>пас</sub>=-1,9%), Сирдарё (6,3+0,63<sup>0</sup>/<sub>0000</sub>, 95%ИИ 5,1-7,5<sup>0</sup>/<sub>0000</sub>, Т<sub>ўс</sub>=+4,8%) ва Жиззах вилоятлари (6,1+0,68<sup>0</sup>/<sub>0000</sub>, 95%ИИ 4,8-7,4<sup>0</sup>/<sub>0000</sub>, Т<sub>ўс</sub>=+24,9%). Жиззах вилоятида энг катта кўпайиш темпи кузатилди, бу ҳисобот ҳужжатлари юритилишидаги хатоликларга боғлиқдир, ҳужжатларни шифрлаш ва ҳудудлар бўйича Канцер-регистрга киритиш лозимдир.

Республика бўйича ББСда тенглаштирилган «стандартлаштирилган» ўлим кўрсаткичларини таҳлил қилиш кўпайишни кўрсатди (Т<sub>ўс</sub>=+1,7%), бунда энг кўп кўпайиш Жиззах, Сурхондарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида, ўртача кўпайиш темпи Сирдарё (Т<sub>ўс</sub>=+4,8%), Самарқанд (Т<sub>кўп</sub>=+2,2%), Бухоро (Т<sub>ўс</sub>=+1,4%) ва Тошкент вилоятларида (Т<sub>ўс</sub>=+1,0%) аниқланди. Энг кам кўпайиш темпи Фарғона (Т<sub>ўс</sub>=+0,7%), Андижон (Т<sub>ўс</sub>=+0,3%), Наманган вилоятларида (Т<sub>ўс</sub>=+0,1%) кузатилди. Бу, ўз навбатида, ББСни эрта ташхислаш сифатини яхшилаш ва ўлимни камайтириш, ички ҳудудий муаммоларни ҳал этиш учун юқорида қайд этилган ҳудудларга жиддий эътибор қаратиш кераклигини тақозо қилади.




**4-расм. Республикамиз ҳудудлари бўйича ББСда ўлимнинг «дағал», «стандартлаштирилган» кўрсаткичлари.**

ББС билан касалланиш ва ўлим трендларини солиштиришда Жиззах, Сурхондарё, Навоий, Сирдарё, Қашқадарё вилоятлари бўйича олинган рақамлар статистик маълумотлари ҳаққонийлиги катта шубҳа туғдирди. Айнан шу ҳолат Ўзбекистон Республикасининг барча онкохизмат ҳудудий

филиалларида диспансер ҳисобига олиш ва юритиш жараёнини амалга оширувчи медицина шифокор-статистлари ҳамда бошланғич бўғим (вилоят онкологларининг даражаси) ишини йўлга қўйиш заруриятини кўрсатади.

Республика онкологик марказининг Канцер-регистрига ҳаққоний маълумотларни йиғиш ва унинг мониторинги ҳамда таҳлилни ўтказиш учун умумий даволаш тармоғининг бошланғич бўғими, ҚВП, ҳудудий вилоят филиаллари ва республика онкология маркази орасида ишнинг узлуксизлигини ва ўзаро алоқасини таъминлаш шартдир.

Диссертациянинг «Ўзбекистон Республикаси бўйича касалланиш ва ўлимни башоратлаш. Сабаб бўлувчи омиллар, эрта аниқлаш, профилактика бўйича чора-тадбирлар комплекси» деб номланган бешинчи бобда ББСдан касалланиш ва ўлимнинг 2020 йилгача бўлган башоратлаш келтирилган ва ўтган даврларда мавжуд бўлган ўзгариш ва тендециялари маълум вақт оралиғида келажакда ҳам сақланиб қолиш омилини эътиборга олиб ҳисоблаб чиқилган ББСдан касалланиш ва ўлим трендларига асосланган. Экстрополяция усули билан прогнозлашда келажакда ҳам аввалги тендециялар сақланиб қолиши ва бошқариладиган ҳамда бошқарилмайдиган таъсир кўрсатувчи омиллар ўзгармаслигини тахмин қилганда, касалланиш даражасининг сезиларли пасайиши ва ўлим кўрсаткичининг ошишини кутиб қолиш мумкин.



**5-расм. ББС билан касалланишнинг 2020 йил башорати.**

Ўзбекистонда ББС билан касалланиш ва ўлим кўрсаткичларини ЖС прогностик ҳисоблаш шуни кўрсатдики, Ўзбекистон бўйича 2020 йилга прогнозлаштирилган касалланиш  $22,08 \pm 0,02^{0/0000}$  (95% ИИ=21,9-22,3<sup>0/0000</sup>) ни, ўлим эса  $6,6^{0/0000}$  (95% ИИ=5,8-6,3<sup>0/0000</sup>) ни ташкил этади. Мазкур бобда Ўзбекистон ва унинг ҳудудларида касалликнинг ўсиш ва камайиш темпларини аниқлаб, касалланиш, ўлим, кумулятив кўрсаткичларини ўрганиш мақсадида кенгмиқёсли онкоэпидемиологик тадқиқотлар олиб борилган. Шуниндек, ўлим трендининг касалланишга нисбати таҳлил

қилинди, у республика ва унинг ҳудудларида ББСда ўлим тенденцияси бўйича юзага келган шароитни аниқлади.



**6-расм. ББСда 2020 йилга ўлим прогнози.**

Ноқулай муҳит ва экологик муаммони инобатга олиб, ҳисоблаб чиқарилган кўрсаткичлар бўйича ББС билан касалланиш ва ўлим кўрсаткичлари даражаларига қараб ЎЗР маълум ҳудудларга бўлиб чиқилди: 1-ҳудуд – Орол атрофи, унга Қорақалпоғистон республикаси ва Хоразм вилояти киритилган; 2-ҳудуд – Фарғона водийси – Андижон, Фарғона, Наманган вилоятлари; 3-ҳудуд – саноат зоналари – Тошкент, Бухоро, Навоий, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари; 4-ҳудуд – Жанубий ҳудуд – Қашқадарё ва Сурхондарё вилояти; 5-ҳудуд – Тошкент шаҳри.

Ҳар бир зона ХЎК ривожланишида маълум хавф омилларига эга эканлиги билан қуйидагича ажратилди: *биринчи ҳудуд* – иқлимий-геогафик – Фарғона водийси, геоэкологик жойлашуви туфайли ўзининг юмшоқ, континентал иқлими билан Марказий Осиёдаги бошқа ҳудудлардан ажралиб туради. Январдаги ўртача ҳарорат  $-3,2^{\circ}\text{C}$ , абсолют минимум  $-25^{\circ}\text{C}$ . Июлдаги ўртача ҳарорат  $+28^{\circ}\text{C}$ , максимал ҳарорат  $+42,4^{\circ}\text{C}$ . Салбий иқлимий шароитлар – қуёш радиацияси, юқори сейсмик активлик, ҳарорат инверсияси об-ҳаво шароитлари ва б., атмосфера ифлосланишига таъсир кўрсатиб, атмосферада «кислотали» газлар, олтингугурт диоксиди кўпайишига олиб келади, яъни захарли смоглар, токсик туманлар ҳосил бўлади.

Бу ҳудуд аҳоли зич жойлашганлиги ва миграция даражаси юқорилиги билан ажралиб туради, охириги 5 йил мобайнида миграция 10–12 мартага кўпайди, бундай ҳол меҳнатга лаёқатли эркакларнинг чет элга кўп кетишига боғлиқ. Бу салбий факторлардан бири бўлиб, ҳар хил вирусли, шу жумладан, жинсий йўл билан юқадиган инфекциялар тарқалишига мойиллик қилади.

*Иккинчи ҳудуд* – Орол атрофи зонаси – экологик талофат ҳудудларидан бири, суғориладиган ерларнинг кўплиги ва сувдан ҳаддан ташқари кўп фойдаланиш бу ерда ўсиб бораётган сув танқислигига олиб келган. Орол



денгизининг қуриши атроф-муҳит ҳолатининг бузилишига олиб келган, бу фақатгина талофат ҳудудларида эмас, балки бутун планета экологик ҳолатига таъсир кўрсатади. Сувнинг йўқлиги тупроқ қуришига, тупроқ шўрланишига ва тузли бўронлар бўлишига олиб келади, бу ўз навбатида қийин иқтисодий ҳолатни келтириб чиқаради ҳамда касалланиш ва ўлим даражаларининг баланд бўлиши, туғма нуқсонлар билан туғилган болалар сонининг кўпайишига сабаб бўлади.

*Учинчи* – саноат ҳудуди – республикада катта ва кичик саноат корхоналари сони кўп бўлиб, улар 70000 та ифлослаш манбаларини ташкил қилади, ифлосланишлар атмосферага чиқарилади. Уларнинг 150 таси ўта зарарли ҳисобланади, 50 таси билан бизлар кунига тўқнаш келамиз.

Буларнинг асосий қисмини углерод оксиди ва нефтни қайта ишлаш ва нефть олиш вақтида ҳосил бўладиган моддалар ташкил этади (Фарғона водийси); зарарли маҳсулотларнинг тарқалишида энергия, олтингугурт оксидлари, қора ва рангли металлургия, углеводородлар, азот бирикмалари (кимёвий нитратлар ва ўғитлар ишлаб чиқариш) ишлаб чиқадиган саноат ҳисса кўшади.

Тошкент вилояти энг хавфли ҳудудлардан ҳисобланади, у ерда кўп саноат корхоналари ҳамда кўмир казиб олиш комплекслари жойлашган, атмосферага кучли канцероген бирикмалар – углерод оксиди, олтингугурт диоксиди ва оғир металлларнинг ҳар хил чанглари атмосферага чиқариб ташлайди, шу жумладан, радиоактивлари ҳам (Бухоро, Навоий, Самарқанд вилоятлари металлургия комбинатлари, чўл зоналарида уран ишлаб чиқариш). Заҳарли моддалар кўмиладиган жойлар – Наманган вилоятининг Тўрақўрғон, Поп туманларида руҳсат этилган концентрациядан мис 8,3 марта, руҳ 5,3 марта ортиқ.

*Тўртинчи ҳудуд* – жанубий ҳудудларда офтоб чакнаши кучли, Жанубда йилига 3000 соат радиация 6500МДж/м<sup>2</sup>, Шимолда 4800МДж/м<sup>2</sup>.


Бу УБ нурлар узок муддат таъсир этиши, ўз навбатида, канцерогенез ривожланиши, генетик мутациялар пайдо бўлиб, ҳужайра ДНКсининг зарарланиши ва ХЎК ривожланишига сабаб бўлади.

*Бешинчи ҳудуд* – Тошкент шаҳри – Ўзбекистон республикаси пойтахти, юқори даражада ривожланган шаҳар ҳисобланади. Шаҳар аҳолиси сонининг кўплигини ҳисобга олсак, ҳар йили 100 млн тонна саноат чиқиндилари ҳосил бўлади, уларнинг 14%и инсон учун заҳарли, канцероген ҳисобланади ва ХЎК ривожланишига мойиллик қилади. Шу билан бирга чанг кўп эканлигини ҳам инобатга олиш керак, у ҳар хил металл оксидлари, силикатлар, қурум, фторидлар, маргимуш оксидлари, сурма, оғир металллар тузи бўлган атмосфера ҳавоси билан бирга чўкади. Бу моддалар, ўз навбатида, заҳарли, аллергия, гонатроп ва кацероген таъсир кўрсатади. Чиқиндиларнинг тарқалишига шамол, ёмғир, қор сабаб бўлади, атмосферанинг ифлосланиши ҳар хил касалликлар ривожланишига сабаб бўлади.

Шундай қилиб хулоса қилиш мумкин, ББС келиб чиқиши – кўп босқичли процесс, унинг ривожланишида жуда кўп хавф омиллари

қатнашади, шулардан бири тиббий-экологик – шаҳар ва алоҳида олинган ҳудудда экологик ҳолатнинг ёмонлашуви, радиация таъсири, қуёш нурунинг юқори активлиги, канцерогенларнинг тупроқда, сувда, ҳавода бўлиши.

Онкологик хавфни тўлиқ баҳолаш учун ўрганилаётган ҳудуднинг экологик шароитини ҳисобга олиш керак, бу ташқи муҳитнинг зарарли омиллари таъсирини баҳолаш имконини беради, ҳатто ишлаб чиқариш соҳаси, ҳудудий-экологик ва иқлимий-географик яшаш ҳудудларини ўз ичига олади. Катта ишлаб чиқариш корхоналарининг канцероген агентларининг аҳолига негатив таъсири ҳамда қуёш радиацияси кучлилиги масалани тубдан ҳал қилувчи шошилиш комплекс чоралар кўрилишини тақозо қилади, бу тадбирлар давлат ҳамда онкологик хизмат миқёсида бажарилиши керак.



7-расм. ББСдан ўлим даражасини пасайтириш бўйича тавсиявий чора-тадбирлар.

ББС билан касалланиш ва ўлимнинг перспектив камайиши профилактика усуллари мукамаллаштириш, скрининглаш бўйича давлат дастурларини қабул қилиш ва ўтказиш, аҳолини кенг қамраб олиб скринингни самарали усуллари қўллаш ҳамда омма ичида онкологик сергакликни ошириш ва оқартув ишларини олиб бориш, ҳудуднинг иқлимий-географик, тиббий-экологик хусусиятларини ҳисобга олиб, индивидуал ёндашишни умумий даволаш муассасалари хизматини активлаштириб, республика онкологик хизмати билан ҳамкорликда иш олиб бориб амалга ошириш мумкин.

ББСни эрта ташхислаш ва даволаш сифатини ошириш мақсадида скринингни қўллаш, унинг самарадорлигини соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи звеноси ва ҳудудларидаги онкологик хизматларни ҳамкорликда олиб бориб амалга ошириш мумкин, ББС ривожланишидаги хавф омилларини аниқлаш мақсадида поликлиникаларда кўрик ўтказиш хоналарини қайта тиклаш мақсадга мувофиқ бўлади, бундан асосий мақсад хавф омиллари бор аёлларни аниқлаш ва даволашнинг кейинги босқичларига жўнатишдан иборат.

## ХУЛОСАЛАР

«Бачадон бўйни саратони хавф омиллари юқори бўлган ҳудудларнинг эпидемиологик хусусиятлари ва мажмуавий профилактик тадбирлар ишлаб чиқиш» мавзусидаги фалсафа доктори диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар олинди:

1. Ушбу тадқиқотда ББС билан касалланиш ва ўлим кўрсаткичлари ўрганиб чиқилди, уларни ЖС стандартлаштириш, касалланиш ва ўлим бўйича йиллик ўртача ёш аниқланди, трендларни ҳисоблаб, Ўзбекистоннинг ҳудудлари бўйича ўсиш ва камайиш темплари, 2020 йил учун кутиладиган башорат кўрсаткичлари ҳисобланди. Бунда Ўзбекистон Республикаси бўйича ББС билан касалланиш –  $9,8 \pm 0,05^{0/0000}$ , ўлим  $6,6 \pm 0,04^{0/0000}$  ни ташкил қилади.

2. Ўзбекистон Республикаси бўйича стандартлаштирилган касалланиш кўрсаткичи –  $10,5 \pm 0,12^{0/0000}$ , пасайиш темпи –  $T_{\text{пас}} = -1,7\%$ , ўлим –  $6,1 \pm 0,11^{0/0000}$ , ўсиш – темпи  $T_{\text{ўс}} = +1,6\%$ .

3. Ўлимнинг ўртача йиллик кўрсаткичи 65 ва ундан катта ёшлиларда энг катта бўлиб,  $22,2 \pm 0,61^{0/0000}$  ни ташкил қилди, бунда ўсиш темпи  $T_{\text{ўс}} = +2,4\%$  бўлиб, бу шу ёш оралиғида ўлим кўпайганлигини кўрсатади ва бу касаллик оғирлиги ҳисобига эмас, балки аҳоли «кексайганлиги» билан боғлиқдир.

4. Ўзбекистон Республикаси бўйича стандартлаштирилган ўлим кўрсаткичи  $6,1 \pm 0,11^{0/0000}$  ни кўрсатади, энг юқори ўсиш темпи Жиззах вилоятида кузатилади, бу беморларни назоратга олиш ишларини йўлга қўйиш билан боғлиқ эканлигидан далолат беради.

5. Маълумотлар таҳлили касалланишнинг энг кўп ўсиши Сурхондарё вилоятида ( $T_{\text{ўс}} = +2,8\%$ ) ҳамда Жиззах вилоятида ( $T_{\text{ўс}} = +0,8\%$ ) эканини кўрсатди, касалланиш кўрсаткичи энг кичик бўлишига қарамадан, бу

онкологик касалланиш ва ўлим ҳолларини рўйхатга олиш қониқарсиз эканлигини билдиради. Бу ҳудудий ва популяцион Канцер-регистрни кенг қўллаш учун шошилиш ташкилий чоралар кўриш кераклигини тақозо қилади. Республика бўйича ББСда тенглаштирилган «стандартлаштирилган» ўлим кўрсаткичлари таҳлили унинг ўсишини кўрсатди ( $T_{\dot{y}c}=+1,7\%$ ), бунда энг кўп кўпайиш Жиззах, Сурхондарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида, ўртача кўпайиш темпи Сирдарё ( $T_{\dot{y}c}=+4,8\%$ ), Самарқанд ( $T_{\text{кўп}}=+2,2\%$ ), Бухоро ( $T_{\dot{y}c}=+1,4\%$ ) ва Тошкент вилоятларида ( $T_{\dot{y}c}=+1,0\%$ ) аниқланди. Энг кам кўпайиш темпи Фарғона ( $T_{\dot{y}c}=+0,7\%$ ), Андижон ( $T_{\dot{y}c}=+0,3\%$ ), Наманган вилоятларида ( $T_{\dot{y}c}=+0,1\%$ ) кузатилди. Бу, ўз навбатида, ББСни эрта ташхислаш сифатини яхшилаш ва ўлимни камайтириш, ички ҳудудий муаммоларни ҳал этиш учун юқорида қайд этилган ҳудудларга жиддий эътибор қаратиш кераклигини тақозо қилади.

6. Ўзбекистон Республикасида ББС билан касалланиш ва ўлимни баҳолаш бўйича олинган статистик маълумотларга, асосан, хавф даражалари ва бошқарув-ҳудудий бирликларга боғлиқ ҳолда харита тузилиб, хавф омили юқори, ўрта ва паст бўлган бешта ҳудудга булинган ва аниқланган.

7. Олинган маълумот ва қўлланилган онкоэпидемиологик таҳлил усуллари асосида «Онкоэпидемиологик мониторинг учун дастур» компьютер дастури ишлаб чиқилди. Тавсия қилинган дастур эрта ташхислаш бўйича ташкилий чора-тадбирлар ҳамда миллий скрининг дастурларини ишлаб чиқиш учун ҳаққоний ҳисобларни амалга ошириш имкониятини беради, бундан ташқари, касаллик қонуниятлари ва пайдо бўлиш омилларини аниқлаш имкониятини берувчи эпидемиологик ташхиснинг зарур компоненти эканлиги билан аҳамият касб этади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04.12.2018.Tib.77.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ РЕСПУБЛИКАНСКОМ  
СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОМ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОМ  
МЕДИЦИНСКОМ ЦЕНТРЕ ОНКОЛОГИИ И РАДИОЛОГИИ**

---

**РЕСПУБЛИКАНСКИЙ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННЫЙ НАУЧНО-  
ПРАКТИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ЦЕНТР ОНКОЛОГИИ  
И РАДИОЛОГИИ**

**АЛМУХАМЕДОВА БАРНО ГУЛМУХАМАТОВНА**

**ЭПИДЕМИОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ РАКА ШЕЙКИ МАТКИ  
В РЕГИОНАХ ВЫСОКОГО РИСКА В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН И  
РАЗРАБОТКА КОМПЛЕКСНЫХ МЕР ПРОФИЛАКТИКИ**

**14.00.14 – Онкология**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

**ТАШКЕНТ – 2019**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №В2017.3.PhD/Tib351.**

Диссертация выполнена в Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре онкологии и радиологии.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.cancercenter.uz](http://www.cancercenter.uz)) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

**Научный руководитель:** **Тилляшайхов Мирзагалёб Нигматович,**  
доктор медицинских наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Мухаммедаминов Шухрат Каримджанович,**  
доктор медицинских наук, профессор  
**Султанов Саидазим Насырович,**  
доктор медицинских наук, профессор

**Ведущая организация:** **ФГБУ «Национальный медицинский  
исследовательский центр онкологии имени  
Н.Н.Блохина» Министерства здравоохранения  
Российской Федерации**

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 г. в \_\_\_\_ часов на заседании Научного Совета DSc. 04.12.2018.Tib.77.01 при Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре онкологии и радиологии (Адрес: 100110. г. Ташкент, ул. Фараби, 383. Тел.: (+99871) 227-13-27; факс: (+99871) 246-15-96; e-mail: [info@ronc.uz](mailto:info@ronc.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра онкологии и радиологии (зарегистрирована за № \_\_). Адрес: 100110. г. Ташкент, ул. Фараби, 383. Тел.: (+99871) 227-13-27; факс: (+99871) 246-15-96.

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 года.  
(Реестр протокола рассылки № \_\_\_\_ от \_\_\_\_\_ 2019 года).

**М.А.Гафур-Ахунов,**  
Заместитель председателя научного совета по присуждению  
ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

**А.А.Адилходжаев,**  
Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых  
степеней, доктор медицинских наук, доцент

**М.Х.Ходжибеков,**  
Председатель научного семинара при научном совете по  
присуждению ученых степеней,  
доктор медицинских наук, профессор

## Введение (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

**Актуальность и востребованность диссертации.** На сегодняшний день рак шейки матки (РШМ) считается основной причиной, приводящей к смерти женщин. По данным Всемирной организации здравоохранения (ВОЗ) ежегодно выявляется более 14 млн. новых случаев рака и регистрируется 8 млн. смертей от данного заболевания<sup>1</sup>. Сегодня из-за различных производственных отходов, нарушения образа жизни женщин «...ежегодно в мире регистрируется 555100 новых случаев РШМ и 309800 смертей от этой патологии...»<sup>2</sup>. Наблюдаемый рост в последние годы числа женщин, страдающих от различных онкологических заболеваний, в частности, рака шейки матки, рака тела матки и яичников, не только для работников промышленной сферы, но и для сотрудников других организаций считается одной из проблем, которые требуют безотлагательного и оперативного решения.

Во всем мире проводится ряд исследований, с целью разработки эффективных капитальных профилактических мер для регионов, в которых существует повышенная опасность проявления рака шейки матки. При этом, учитывая региональные особенности, особое внимание уделяется оценке и прогнозированию трендов, обоснованию эпидемиологического анализа заболеваемости среди женщин раком шейки матки и показателями смертности; в регионах, в которых существует опасность проявления данной болезни, необходимо проводить сравнительный анализ показателей заболеваемости раком шейки матки и смертных случаев. Важное значение имеет разработка прогнозных программ и алгоритмов онкоэпидемиологических показателей заболеваемости раком шейки матки и показателей смертности на основе математического моделирования, прогнозирование факторов, оказывающих влияние на качество жизни больных, разработка комплекса оздоровительных мероприятий и организация системы лечения, которая направлена на упреждение возникновения недуга.

В нашей стране для повышения качества медицинского обслуживания, а также, для диагностирования и лечения рака шейки матки предпринимаются ширококомасштабные мероприятия на уровне передовых международных стандартов. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017–2021 годы по пяти приоритетным направлениям в целях повышения уровня медицинского обслуживания поставлены важные задачи, направленные на «... повышение качества и удобства оказания специализированной медицинской помощи, еще большее совершенствование скорой и экстренной медицинской помощи, упреждение различных онколо-

---

<sup>1</sup> Ferlay J, Soerjomataram I, Ervik M et al. (2013). GLOBOCAN 2012 v1.0, Cancer Incidence and Mortality Worldwide: IARC Cancer Base No. 11 [Internet]. Lyon: IARC. Available at <http://globocan.iarc.fr>; Jemal A., F Bray, et al. Global cancer statistics // CA. Cancer J.Clin. – 2013 – Vol.61 (2)- P.69-90.

<sup>2</sup> Huang CY, You SL, Chen CJ, Cheng WF, Luo HC, Hsieh CY Incidence of cervical cancer and age-specific survival of small cell cervical carcinoma in Taiwan. // Acta Obstet Gynecol Scand. - 2011. - Sep 1. - doi: 10.1111/j.1600-0412.2011.01261

гических заболеваний и инвалидности среди женщин...»<sup>3</sup>. Исходя из этого, при ранней диагностике у женщин рака шейки матки, учитывая качество их жизни, важное значение приобретает уменьшение осложнений от заболевания, усовершенствование механизма профилактических мероприятий.

